



ТУРИЗМДА ХАВФСИЗЛИКНИНГ АЙРИМ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a56

Тұхлиев Нурислам -
профессор, иқтисодиёт фанлари доктори,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом иқтисодиёти ва молияси,
зиёрат туризми кафедраси профессори

Аннотация. Мақолада туризмда хавфсизликнинг назарий ва амалий масалалари күрілганды. Саёҳат давомида хавфсизликнинг мұхим үнсурларидан бўлган туристларни сугурта қилиш, шунингдек, уларнинг санитария, тиббиёт, божхона ва бошқа хизматлар билан муносабатлари, маҳаллий аҳолида ксенофобияни ўқотиш каби талабларга ҳам тўхталиб ўтилган.

Калим сўзлар: хавфсизлик, криминал, ксенофобия, инфратузилма, валюта, каршеринг, экскурсия, сугурта, божхона, туроператор, турагент, турпакет.

НЕКОТОРЫЕ ПРИНЦИПЫ И ХАРАКТЕРИСТИКИ БЕЗОПАСНОСТИ В ТУРИЗМЕ

Нурислам Тухлиев -
профессор, доктор экономических наук,
профессор кафедры «Исламская экономика и финансы,
паломнический туризм» Международной
исламской академии Узбекистана

Аннотация. В статье рассматриваются теоретические и практические вопросы безопасности в туризме. Рассматриваются также такая важная система безопасности как страхование туристов во время путешествия, взаимоотношения туристов с санитарно-медицинскими, таможенными учреждениями и при отдаления ксенофобии у местного населения.

Ключевые слова: Безопасность, криминал, ксенофобия, инфраструктура, валюта, проживание, экскурсия, страховка, таможня, туроператор, турагент, турпакет.

SOME PRINCIPLES AND CHARACTERISTICS OF SAFETY IN TOURISM

Nurislam Tukhliev -
Professor, Doctor of Economics, Professor of the
Department "Islamic Economics and Finance,
Pilgrimage Tourism" of the International
Islamic Academy of Uzbekistan

Annotation. The article deals with theoretical and practical issues of security in tourism. Also considered are such an important security system as travel insurance for tourists, the relationship of tourists with sanitary and medical, customs institutions and xenophobia of the local population.

Keywords: security, crime, xenophobia, infrastructure, currency, accommodation, excursion, insurance, customs, tour operator, travel agent, tour package.

Кириш. Шахсий хавфсизлик, сўзсиз – мұхим ва қадимий тушунча. У ҳар бир турист учун овқат, уйку, ҳаво, сув каби зарур. Шунинг учун ҳам саёҳат давомида туристнинг хавфсизлиги туристик фирма ва давлат учун бош ғамхўрликлардан дидир. Туристларнинг хавфсизлигини таъминлашга бир қатор комплекс чора-тадбирлар қаратилган бўлиб, улар туристик ташкилотлар ва давлат органлари томонидан амалга оширилади. Бунда қабул қилувчи мамлакатлардаги сиёсий ва экологик вазиятга биринчи даражали аҳамият берилади. Бу омилларнинг мавжуд эмаслиги туризмни қийинлаштиради. Ва туристлар учун хавфсиз эмас. Бу ҳақида туристик компания аниқ ахборотга эга бўлмаса ва туристларга кафолат беролмаса, ноқурай минтақалар-

га саёҳатчиларнинг бориши кескин камайиб кетади. Масалан, Форс кўрфазида бўлган уруш ҳаракатлари бу минтақага борадиган туристлар сонини 90 фойизга қисқартириб юборган эди. Миср, Сурия, Ливия мамлакатлари ва Кавказ минтақасида ҳам шундай ҳолат юз берди. Терористик ҳужумдан кейин Индонезиянинг Бали оролига борувчилар, Чернобилдаги авариядан кейин Украина ва Беларусга саёҳат қилувчилар кескин камайиб кетганлиги маълум.

Пандемия оқибатлари, Россиянинг Украинадаги ҳарбий ҳаракатлари ҳам туризм саноатига берилган жиддий зарба бўлди.

Адабиётлар таҳлили. Фуқаролар, шу жумладан, ички ва ташқи туристлар хавфсизлиги масалалари Ўзбекистон Республикаси Конс-

ти туризияси, Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни (2019 йил 18 июль), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони (2019 йил 13 август), Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2020 йил 21 январь) ва бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларда кўрилган.

Туризмда хавфсизлик масалалари, шунингдек, бир қатор хорижий ва маҳаллий олимлар тадқиқотларида ҳам кўриб чиқилган. Россиялик тадқиқотчилардан А.Бобкова туризмда хавфсизлик муаммоларини ҳал қилиш муҳимлигини таъкидлайди, чунки улар қабул қилувчи мамлакат учун ҳам, сайёҳлар учун ҳам муҳим иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий оқибатларга олиб келиши мумкин [9]. Унинг таъкидлашича, туризм кўпинча жиноятчилар ва террорчилар томонидан юмшоқ нишон сифатида қаралади ва сайёҳлик йўналишлари жиноятчилик, терроризм, табиий оғатлар ва соғлиқ учун фавқулодда вазиятлар каби бир қатор хавф-хатарларга қарши ҳимоясиз.

Бобкованинг таъкидлашича, самарали хавфсизлик чоралари ҳукуматлар, туризм соҳаси бирлашмалари, ҳукуқни муҳофаза қилиш идоралари ва маҳаллий жамоалар каби турли манфаатдор томонларни жалб қилган ҳолда мувофиқлаштирилган ва комплекс ёндашувни талаб қиласди. Шунингдек, у сайёҳлар орасида потенциал хавфлар тўғрисида хабардорликни ошириш ва уларга хавфсиз бўлиш бўйича маълумот ва кўрсатмалар бериш муҳимлигини таъкидлайди.

Умуман олганда, Бобкованинг тадқиқотлари туризм саноатининг мураккаб ва динамик табиати ва сайёҳлар дуч келадиган турли хил хавф ва таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда туризмда хавфсизликка проактив ва яхлит ёндашув зарурлигини таъкидлайди.

Жумладан, россиялик тадқиқотчи М.Марининнинг “Туристические формальности и безопасность в туризме” [14] китобида БМТ, ОЭСР, Интерпол ва бошқа ҳалқаро ташкилотларнинг туризмда хавфсизликни таъминлашдаги функционал вазифалари ёритилган, ушбу мавзуларнинг туризм соҳаси нуқтаи назаридан аҳамиятини муҳокама қиласди. Китобда туризмни тартибга солишда ҳукуматнинг роли, туризмнинг маҳаллий жамоалар ва атроф-муҳитга таъсири, сайёҳлар учун хавфни бошқариш ва хавфсизликни таъминлаш стратегиялари каби масалалар ҳам ёритилган.

Д.Уваров ва Г.Борисовнинг “Международные туристические организации” китобида [15] йирик ҳалқаро туризм ташкилотлари (ХТТ) ва уларнинг жаҳон туризм саноатини шаклланти-

ришдаги роли ҳақида тўлиқ маълумот берилган. Муаллифлар ИТОларнинг ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва туризмни барқарор ривожлантиришга кўмаклашишдаги аҳамиятини таъкидлайдилар.

Муаллифлар ҳалқаро туризм ташкилотларининг тарихий ривожланиши ва уларнинг вақт ўтиши билан эволюцияси ҳақида умумий маълумот беришдан бошлайдилар. Кейин улар ҳар бир ташкилотнинг ролини ўрганадилар, уларнинг мақсадлари, функциялари ва фаолиятини муҳокама қиласди.

Муаллифлар, шунингдек, турли ҳалқаро туризм ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик нуқтаи назаридан дуч келадиган муаммоларни ўрганадилар. Улар экологик барқарорлик, маданий асрар-авайлаш ва иқтисодий ривожланиш каби глобал туризм соҳаси олдида турган мураккаб муаммоларни ҳал қилиш учун ҳалқаро туризм ташкилотлари ўртасида катта ҳамкорлик зарурлигини таъкидлайдилар.

Умуман олганда, “Международные туристические организации” туризм соҳасидаги талабалар ва мутахассислар, шунингдек, ХТТларнинг глобал туризм ландшафтини шакллантиришдаги роли билан қизиқувчи сиёsatчилар ва тадқиқотчилар учун қимматли манбани тақдим этади. Китоб яхши ўрганилган ва асосий ХТТларни батафсил таҳлил қилиб, уни глобал туризм саноатининг мураккабликларини яхшироқ тушунишга интилаётганлар учун фойдали маълумотномага айлантиради.

А.П.Бгатов, Т.В.Бэйко, М.В.Зубареванинг “Туристические формальности” [16] китобида туризм расмиятчилигининг туризм хавфсизлигини таъминлашдаги роли; А.А.Ильчевнинг “Популярная энциклопедия выживания” [17] китобида хавфсизликнинг умумий қоидалари; В.А.Квартальновнинг “Туризм” [19] китобида туризмда хавфсизликни таъминлашнинг ҳалқаро ва миллий тамойиллари; К.Ф.Войтковский ўзининг “Прогнозирование лавинной опасности” номли мақоласида [20] төғ-табиий шароитида саёҳатчи хавфсизлигини таъминлаш масалалари; Н.Тухлиев ва А.Таксановнинг “Экономика большого туризма” китобида [18] миллий туризм моделида хавфсизлик ва расмиятчилик масалалари; Н.Тухлиев ва Т.Абдуллаеванинг “Основы безопасности в туризме” ўқув қўлланмасида [8] туризмда хавфсизликнинг ҳукуқий-ташкилий асослари, хусусиятлари, санитариятиббий жиҳатлари, суғурта механизми ва бошқа аспектлари ёритилган.

Тадқиқот методологияси. Мақолада тадқиқот давомида илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция, дедукция, статистик ва монографик кузатув, таққослаш, шунингдек, бошқа усуслардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар мұхокамаси. Туризмда хавф-хатарнинг умумий даражасини қўидагича гурухлаш мүмкін:

1. Биологик хавф:

а) санитария (чивин, малярия пашшаси, тарақанлар, замбуруғ, мөғор);

б) тиббий-эпидемиологик хавф (сариқ лихорадка, малярия, дизентерия, грипп, COVID).

2. Ижтимоий хавф:

а) криминал вазият (киссовурлик, фоҳи-шабозлиқ, наркомания);

б) маданий антоганизм (ислом анъанали-ри, хулқ-атворда консерватизм);

в) ксенофобия, чет элликларни хуш кўр-маслик.

3. Сиёсий хавф:

а) тартибсизликлар, намойишлар, сиёсий конфликтлар (фашистик юришлар, миллатлар-аро тўқнашувлар);

б) полиция, чегара назорати, куч ишлатар тизимларнинг таъқиби (хужжатларни текши-риш, регистрация бўлмаса, пул талаб қилиш);

в) божхона тўсиғи.

4. Иқтисодий хавф:

а) валюта сиёсати (курсдаги фарқ);

б) товар ва озиқ-овқат маҳсулотлари (гўшт ва сут маҳсулотлари муаммоси);

в) транспорт ва меҳмонхона нархлари да-ражаси;

г) инфратузилма (алоқа, автопрокат, овқатланиш, дўйон);

д) туристлардан солиқ.

5. Инфратузилма хавфи:

а) тоғларда кутқарув хизматининг мавжуд эмаслиги;

б) тезкор алоқанинг мавжуд эмаслиги.

Туризмда хавфсизлик масаласига, шунингдек, яна қўидагилар киради:

– туристларни маршрут категориясига му-воғиқ тайёрлаш;

– туризм бўйича гидлар, инструкторлар, маршрутда туристларни кузатувчиларнинг юқори малакага эгалиги;

– туристлар ҳаракатланадиган хавфсиз трассаларнинг талаб даражасида жиҳозланиши.

Терроризм меҳмондўстлик индустрясига тўла қувват билан фаолият юритишига салбий таъсир кўрсатадиган бош омилдир. Бунга Филиппин, Миср, Покистон, Жазоир ва Исроил мамлакатларидан кўплаб мисоллар келтириш мүмкін.

Хавфсизлик кенг тушунча бўлиб, у бир неча йўналишларда амалга оширилади. Оддийгина ҳолат. Ўзбекистонлик сайд ўзи билан 220 вольт кучланиш ва 50 Гц частотали электроприборни олиб борди деяйлик (электробритва, фен, уяли телефон). Аммо бу стандарт бошқа мамлакатлар амалиётига тўғри келмайди. Масалан, бу стандарт Австралияда – 240/250,

Бразилияда – 110/120, Буюк Британияда – 240, Доминикан Республикасида – 110, Ямайкада – 110, Испанияда – 50, 100 ва 200, Кубада – 110, Кипрда – 240, ЖАРда – 220/250, Янги Зеландияда – 230 Вт [8]. Кўпинчга турист бундай фарққа эътибор бермасдан, ўз электроприборларидан фойдаланмоқчи бўлиб, ўзининг ҳаёти ва меҳмонхона мулкини хавф остига қўйиши мүмкін.

Хавфсизликнинг яна бир тури бегона мамлакатда автотранспортни бошқариш (каршеринг – қисқа муддатли автомобиль ижараси ва прокат) билан боғлиқ.

Иккинчидан, “молиявий хавфсизлик” деган тушунча мавжуд. Бу қўшимча овқат ва ичимликка буюртма бериш ёки миллий валюталар курси бўйича фарқларни яхши тушунмасликдан келиб чиқиши мүмкін. Бундай вазиятларда турист нафақат компьютердан чиқадиган квитанцияни талаб қилиши, балки уни имзолаши ҳам шарт. Яна бир муаммо харид ёки қўшимча овқат ва ичимлик учун ҳисоб-китоб билан боғлиқ. Деярли барча мамлакатлarda Visa ва MasterCard қабул қилинади. Аммо ундан нақд пул чиқармоқчи бўлсангиз, фоиз ушлаб қолинишини ҳам назардан қочирмаслик керак. Бу хизмат учун ҳақ айрим мамлакатлarda 15 фоизгача етади.

Борган мамлакатдаги аҳоли турмуш даражасини ҳам ҳисобга олиш зарур. Аҳоли турмуш даражаси юқори давлатларда, масалан, Европада нархлар анча баланд, бу эса саёҳатчининг харид қобилиятига таъсир кўрсатади.

Таклиф қилинадиган экспурсиялар сони ва сифатига ҳам эътибор бериш керак. Чунки ҳаддан ташқари экспурсияларга берилиб кетилса, бу асосий таассуртнинг аҳамиятини пасайтиради ҳамда аксарият ҳолатларда экспурсияга тўлов тур пакетга кирмайди, унга алоҳида тўлов қилиш керак бўлади. Одатда, биринчи кунларда туристда энергия ва молия етарли бўлади, кўп экспурсия объектларига бориш мажбуриятини олиб қўяди.

Яна бир аспект туристнинг меҳмонхонада у ёки бу предметларни эсдан чиқариб қолдириши билан боғлиқ. Бу предметлар тиши пастасидан “Ferrari”нинг қалитигача, баъзан эса шахсий хужжатларигача бўлиши мүмкін.

Йўл қоидасига қатъий риоя қилишни ҳам эсдан чиқармаслик зарур. Италия ва Туркия автойўлларида ҳалокат бўйича олдинги ўринларда туради. Кўчаларда пиёда ёки рулда ҳаракатланишда ҳалокатлар сони камаймасдан, балки ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Уларнинг 13-15 фоизи ўлим билан тугаётганлиги янада аянчлидир. Булардан ташқари қабул қилган мамлакат ва унинг худудлари бўйича эпидемиологик вазиятни билиш ва уни ҳисобга олиш ҳозирги шароитда жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Энг хавфли жойлар бўйича йўл харитасини талаб қилиш керак.

Хавфсизликни баҳолаш ва уни бартараф этиш

№	Турлари	Хавф	Бартараф этиш
1.	Молиявий	Валюта алмаштириш мураккаблиги билан боғлиқ	Кредит карточкаси ёки олдиндан банкда валютани нақдлаш
2.	Транспорт	Миллий ҳайдовчилик хужжатининг борган мамлакатда амал қилмаслиги	Халқаро ҳайдовчилик хужжатини олиш ёки ҳайдовчи ёллаш
3.	Меҳмонхона	“Юлдузлик” классини ошириш, баҳолар юқори	Жойлашишнинг бир қанча варианларини кўриш ва уларни солиштириш
4.	Жамоат транспорти	Криминал, шаҳар, кўча жиноятчилиги юқори	Шахсий хавфсизлик чораларини кўриш, полиция манзилини билиш

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Кўпчилик мамлакатларда келувчи туристлардан чегарадан ўтищаёқ суғурта полисини талаб қилиши мумкин. Масалан, Шенген визаси мамлакатларида шундай қоида амал қиласди. Айрим мамлакат элчихоналарида эса маълум суғурта агентлигидан суғурта тақдим қилингандан кейингина виза берилади.

Суғурта нима учун керак? Шундай вазиятлар ҳам учраб турадики, потенциал турист у ёки бу сабабга кўра ташрифдан воз кечади. Одатда, саёҳатдан икки ҳафта бурун бу ҳақда хабар қилинади. Бунда турфирмага киритилган бадалликдан ажралишга тўғри келади. Агар режалаштирилган саёҳатни амалга ошира олмаслик хавфи борлиги суғурта қилинган бўлса, пулларни қайтиб олиш мумкин. Суғуртанинг худди шу шакли тиббиёт суғуртасидан кейин ўзининг оммалашганлиги ва бадаллик йигими ҳажми бўйича иккинчи ўринда туради.

Бу суғурта шартномаси “турдан воз кечиши” дейилади ва “Х” соатигача камида икки ҳафта олдин тузилади. Агар мижоз узрли сабабга кўра (касалхонага ётқизилиш, ҳарбий хизматга чақирилиш, уйда ёнғин чиқиши, виза ололмаслик) режалаштирган саёҳатга чиқолмаса, суғурта компанияси туристик йўлланманинг қийматини қайтариб беради. Бундай суғурта баҳоси ҳам турсаёҳат умумий баҳосининг 4-10 фойизини ташкил қиласdi.

Шунингдек, туристга тегишли буюмларни йўқолиб қолишдан суғурталаш, туристни автомобиль бошқаришдан суғурталаш кенг тарқалган. Европа мамлакатларида автомобиль эгаларининг суғурта масъулияти мажбурий қилиб қўйилган, агар бундай суғурта бўлмаса, чегара назорат постидан ўтказилмайди. Шунинг учун олдиндан “Яшил карта” сотиб олиш керак.

Ўзбекистонда “Туризм тўғрисида”ги қонунда “Туристлар ва экскурсантларни суғурта қилиш ихтиёрийдир. Туристлар ва экскурсантлар томонидан бундай фаолиятни олиб бориш хуқуқига эга бўлган тегишли суғурта ташкилотлари билан тузиладиган шартномалар асосида оширилади.

Туроператорлар ва турагентлар туристик маҳсулотнинг хусусияти ҳамда шаклига қараб

туристлар ва экскурсантларда суғурта полиси мавжуд бўлиши тўғрисида талаф белгилаш хуқуқига эга. Туристлар ўзининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиши шарт”[1] деб кўрсатилган.

Чет элга чиқувчи “Ўзбекинвест” компанияси орқали суғурта полисини сафар давомийлигидан келиб чиқиб миллий валютада сотиб олиши мумкин. Ҳозир Ўзбекистонда бир неча обрўли чет эл суғурта компаниялари иш олиб боради.

Тиббиёт суғуртасининг асосий унсурлари қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- тиббий ёрдам;
- касалхонага жойлаштириш;
- тиббий сабабга кўра зудлик билан мамлакатга қайтариш;
- ўлим шароитида жасадни репатриация қилиш.

Кейинги йилларда туризм Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг муҳим омилига айланмоқда. Маълумки, туризм ривожланишининг муҳим талабларидан бири соҳани сифатли қонунчилик ва меъёрий-хукуқий база билан таъминлашдир. Бу, албатта, туризмда хавфсизлик масалаларини ҳам ўз ичига олади. Туризмда хавфсизлик деганда, БТТ туристларни уларга хизмат кўрсатувчиларни ва маҳаллий аҳолини ҳимоя қилиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлашни назарда тутади.

Ҳозирги вақтда ўзбекистонлик ва чет эллик туристларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий тизимини шакллантириш масалалари туризм соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, улар қуйидаги давлат органлари орқали амалга оширилади:

- Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда

вазиятлар вазирлиги;

– Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси;

– хусусий туристик ташкилотлар, туроператорлар, турагентлар, худудий савдо-саноат палаталари ассоциацияси;

– оммавий ахборот воситалари;

– халқаро ташкилотлар.

Туристик профилда бўлмаган халқаро ташкилотлар ҳам халқаро туризмда хавфизликни таъминлаш ишларида фаол қатнашади. Жумладан:

– халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ, 1919 й.);

– Фуқаролик авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО, 1944 й.);

– Ҳаво транспорти халқаро ассоциацияси (ИАТА, 1945 й.);

– БМТ (ЮНЕСКО, 1948);

– Халқаро денгиз ташкилоти (ИМО, 1958 й.);

– Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР, 1960 й.);

– БМТнинг атроф-муҳит дастури (ЮНЕП, 1975 й.);

– Жиноят полицияси халқаро ташкилоти (ИНТЕРПОЛ, 1990 й.) ва бошқалар.

Хулоса ва таклифлар. Туризмда хавфизлик муаммоси ҳозирги шароитда туризм саноатини ривожлантиришнинг мухим шартларидан бирига айланмоқда. Кейинги йилларда юз берган Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ҳамда Афғонистондаги можаролар, 2008 йилда бошланган глобал пандемия туфайли келиб чиққан инқироз, 2022 йил 24 февралдан Россия Федерациясининг Украинада олиб бораётган маҳсус операцияси жаҳон туризмига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Вақти-вақти билан турли мамлакатлarda учраб турадиган терористик хуруржлар, тажовузкорликлар, экологиянинг ёмонлашуви хавфиз туризм имкониятларини жиддий чекламоқда, кишиларни халқаро саёҳатлардан тиймоқда.

Туристик хавфизлик даражасини янада яхшилаш учун БМТ Бош Ассамблеяси, Бутунжоҳон Туризм Ташкилоти ва Бутунжоҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти хавфиз туризмни ташкил қилиш бўйича тавсияларга қатъий риоя қилиш лозим.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги ЎРҚ-549-сонли қонуни. 2019 йил 18 июль,
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантириша оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5611-сонли фармони. 2019 йил 5 январь.
3. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли фармонига илова.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириши чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5781-сонли фармони. 2019 йил 13 август.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. // Ҳалқ сўзи. 2020 йил 21 январь.
6. Тухлиев Н., Жиянов Ў. Туризмнинг ривожланиши миллий моделлари. Дарслик. – Т.: "Ilm, ziyo-zakovat" нашриёти, 2020. – 264 б.
7. Тухлиев Н., Жиянов Ў. Туризмда хавфизлик. Дарслик. – Т.: "Ilm, ziyo-zakovat" нашриёти, 2022. – 180 б.
8. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Основы безопасности в туризме. Учебное пособие. – Т.: Гос. науч. изд-во «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2008. – 504 с.
9. Бобкова А.Г. Безопасность туризма. Учебник. Под общ. ред. д-ра юрид. наук. Е.Л.Писаревского. – М.: Федеральное агентство по туризму, 2014. – 272 с.
10. Писаревского Е.Л. Основы туризма. Учебник. / Коллектив авторов; под ред. Е.Л.Писаревского. – М.: Федеральное агентство по туризму, 2014. – 384 с.
11. Морозов М.А., Морозова Н.С., Карпова Г.А., Хорева Л.В. Экономика туризма. Учебник. – М.: Федеральное агентство по туризму, 2014. – 320 с.
12. Александров А.Ю. Международный туризм. Учебное пособие. – М.: Аспект Пресс, 2006. – 470 с.
13. Александров А.Ю. Международный туризм. Учебное пособие для ВУЗов. – М.: Аспект Пресс, 2004. – 470 с.
14. Маринин М.М. Туристские формальности и безопасность в туризме. – М.: Финансы и статистика, 2004. – 144 с.
15. Уваров В.Д. Международные туристические организации. / В.Д.Уваров, К.Г.Борисов. – М.: Междунар. отношения, 1990. – 170 с.
16. Бгатов А.П., Бойко Т.В., Зубарева М.В. Туристические формальности. Учеб. пособие для студ. Высш. учеб. заведений. З-е изд., стер. – М.: Издательский центр «Академия», 2007. – 304 с.
17. Ильичев А.А. Популярная энциклопедия выживания. – Челябинск: Южно-Уральское, 1996. – 399 с.
18. Экономика большого туризма (Соавтор А.Таксанов). – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. – 208 с.
19. Квартальнов В.А. Туризм. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2002. – 320 с.
20. Войтовский К.Ф. Прогнозирование лавинной опасности. Лавиноведение. – М.: Изд-во МГУ, 1989. – 158 с.